АЗАМАТ МЕХАНИЗАТОРЛАР, СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАНГ!

Ўтган куни областимизда 4,45 процент пахта тайёрланди. Машиналар билан 5,88 процент пахта терилди. Оққўрғон 5,20, Юқори Чирчиқ 5,76 процент пахта тайёрлаб, пахта фронтида пешқадам бўлмоқдалар. Илғорларга тенглашинг!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 187 (3669).

21 СЕНТЯБРЬ ПАЙШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ДАЛАДА 114 МАШИНА

Пахтакор деҳқоннинг долзарб мавсуми тобора авжига чиқаяпти. Далаларда бетиним ишлаётган «зангори кема»лар хирмонининг унумига унум, теримнинг суръатига суръат қўшмоқда. Шу кеча-кундузда Оққўрғон районидаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг азамат дала гвардиячилари бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликнинг ҳамма ерида механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа тобора авж олдириб юборилмоқда.


Орденли шунқорлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейи шарафига она-Ватанга 13 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Олийҳиммат механизаторларнинг ана шу ҳосилнинг 11 минг тоннасини «зангори кема»лар билан йиғиштириб олишга бел боғлаганлар. Ҳозир далаларда жавлон ураётган суворийларнинг бутун фикру-зикри, ғайрат-шижоати ана шу катта мақсадга сафарбар этилган.

Совхоз далаларида шиддат билан пахта тераётган 114 «зангори кема»ни азамат қўллар бошқармоқда. Ҳар бири юбилей хирмонига 140—150 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган пешқадам механик-ҳайдовчилардан Ҳамид Жумаев, Сабри Корочул, Ридвон Чки, Иброҳим Акбаров ва бошқа ўртоқлар ҳозир кунига 5—6 тоннадан пахта териб олмоқдалар. Шу кунгача уларнинг ҳар бири эл хирмонига 35—40 тоннадан пахта тўкди.

Дала гвардиячиларининг ғайрат-шижоати туфайли совхоз кунига 6—7 процентдан пахта топширмоқда. Шуниси қувончлики, суръатни жадаллаштиришга жиддий эътибор бераётган механизаторлар машина терими сифатига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар. Машиналар билан терилаётган пахта фақат биринчи сортга қабул қилинаяпти.

— Агар машина тўғри созланса, аппаратларнинг иши вақти-вақти билан текшириб кўрилса, терилган пахта албатта сифатли бўлиб чиқади, ерга тўкилиб ҳам қолмайди, — дейди совхознинг илғор механизаторларидан бири Ислом Иброҳимов.—Мен ва менинг ҳамкасбларим шу кунларда пахтани сифатли қилиб териб олиш учун кучимизни ҳам, вақтимизни ҳам аямаяпмиз. Чунки Ватанимизга кўп пахта, сифатли пахта керак. Юбилей йили пахта тайёрлаш планини 5 октябргача бажариш учун астойдил курашаётган орденли совхоз суворийларига янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ТЎРАЕВ.



Суратларда: (юқорида) совхоз даласида машина терими пайти. (Пастда) хўжаликнинг илғор механик-ҳайдовчиларидан **Нишонбой Қўзиев** (чапдан), **Ислом Иброҳимов** ва участка бошлиги **Салме Мустафо** ўртоқлар.

МЕДИЦИНАМИЗНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

Октябрнинг 50 йиллиги

«Социалистик давлат бутун аҳоли соғлиғини сақлаш ва доимо яхшилаб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олган бирдан-бир давлатдир. Бу вазифанинг бажарилиши бир қатор социал-иқтисодий ва медицина тадбирлари билан таъминланади. Касалликларнинг олдини олишга ва уларни қатъиян камайтиришга, кўп тарқаладиган юқумли касалликларни тугатишга, умрни янада узайтиришга қаратилган тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилади.

(КПСС Программасидан).

УСТОЗЛАР

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳа, бу икки мисрада олам-олам мазмун мужассам. Буюк мутафаккир ва улуғ адибимиз Алишер Навоийнинг жоиз таъбири устознинг шогирдлар олдида улуғ бир сиймо эканлигини, шогирд эса ўз устозини доимо эъзозламоғи, унга ва унинг таълимига доимо содиқ қолишлиги ҳақиқий одамийлик сифати эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Ҳар касб эгасининг ўз устози, меҳрибони бўлади. Ўзбек медик олимлари ҳам устозлик меҳрига қонганликларини фахр билан эслашади.

Дарвоқе, ҳозирда етакчи ўзбек медик олимларимизнинг биринчи мураббийлари кимлар? Бу саволга ҳеч ўйламасдан туриб, улуғ доҳий топшириғи билан республикамизга келган ва бу йўлланмага умрининг охиригача содиқ қолган табаррук рус олимлари деб жавоб қайтариш мумкин.

Муҳтарам устозларимиз П. Ф. Боровский, П. П. Ситковский, М. И. Слоним, А. Н. Крюков, М. А. Захарченко, Р. С. Гершеновичлар юзлаб ўзбек шогирдларига таълим бердиларки, уларга шогирдлари доимо чуқур таъзим қиладилар.

... Тошкент шаҳар Советининг депутати профессор Зулфия Умидова одатдагича бугун ҳам иш кунини тугатиб, ҳордиқ чиқариш олдидан ўз сайловчиларидан келган хатларни кўздан кечира бошлади. Хатлар орасида мухтарам устозга нисбатан юрак ташаккури билан тўлган хоразмлик шогирдининг хати ҳам бор эди.

Профессор оқ оралаб қолган сочларини силаган ҳолда бир зум сукутга кетди ва «сенга ҳам раҳмат» деб қўйди у.

Устознинг севинганича бор-да! Участка касалхонасининг врачи Н. Мирзаев бугун ўзининг кандидатлик диссертациясини олий аттестация комиссия тасдиқ этганлигини устозга севинч билан хабар қилибди. Қандай яхши!

(Давоми 2-бетда).



Суратда: атоқли медик олим профессор С. А. Масумов (чапдан биринчи) ҳамкасблари орасида. М. Нуриддинов фотоси.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

Салтанат икки этакни бўшатгач, далага бошқа теримчилар ҳам келиша бошлади.

— Ҳорманг Салтанат, бугун кечагидан ҳам эрта келибсиз-да, — деди дугонаси.

— Ҳа, мўлжалдаги пахтани тераман десанг, ишни эртароқ бошла, — деди у қўлини чаноқлардан олмаган ҳолда.

Марҳамат ҳам этак боғлаб, теримга тушиб кетди...

Қуёш уфққа бош қўйганда қизлар сўнгги терган пахталарини тортиришиб, бугунги натижани билиш учун хирмонга келдилар. Табелчи Миркосим Мирзааҳмедов бугунги натижани эълон қилди. Салтанат Аъзамхўжаева ва Марҳамат Акбаралиевани икки норма бўлипти. Бугунги мусобақада ҳам икки дугона ғолиб чиқди.

Ўтган йили Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхозда биринчилар қаторида пахта тайёрлаш планини бажарган ўртоқ Абдураҳмон Маҳмудов раҳбарлик қилаётган 6-участка аъзоларн бу йил ҳам барча майдонда мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирдилар. Участкада терим зўр уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ чеварлар аниқланиб қолди. Салтанат Аъзамхўжаева билан Марҳамат Акбаралиевалар пешқадамлик қилишмоқда. Мавсумда 12—13 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилган бу чеварлар хирмон баракасига барака киритишмоқда. Шунингдек, участканинг Т. Шерова, З. Акбаралиева С. Нураева каби чеварлари ҳам кун сайин терим суръатига суръат қўшмоқдалар.

С. РАИМОВ.
Х. СУЛАЙМОНОВ.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Шаҳар меҳнаткашларига кўплаб сут ва гўшт етказиб беришда «Қорасув» совхози чорвадорларининг ҳиссаси катта бўлялти. Улар юбилей йилида 425 тонна сут, 34,9 тонна гўшт етказиб бериш мажбуриятини олишган. Ҳозир бу фермада иш мажбуриятига яраша олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик билан ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётган ферма ходимлари шу кунгача давлатга 370 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб 10 ойлик планни оширибоажаришди. Соғин сигирлардан кўплаб сут соғиб олишда М. Икромова, К. Усмонова, С. Пўлдошева, Ш. Турсунова каби илғор соғувчилар пешқадамлик қилишмоқда.

— Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига фермамиз коллективи ҳам муносиб совғалар билан боришади, — дейди совхоз сут-товар фермасининг мудири ўртоқ О. Пўлатов, — давлатга сут сотиш планини 1 ноябргача бажариб, йил охиригача яна 50 тонна сут топширамиз. Мажбуриятни шараф билан адо этиш йўлида совхознинг сигир соғувчилари ҳар куни тайёрлов пунктига 1400—1500 килограммдан серқаймоқ сут етказиб беришяпти.

Н. ҚОДИРОВ.
Калинин райони.



ОЛДИНГИ САФДА

Биз колхоз партия комитетининг секретари Алексей Тё билан суҳбатлашиб ўтиришимиз. Унинг сўзидан маълум бўлишича, колхоз коммунистлари ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида бориб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришмоқда. Дарҳақиқат, колхозда коммунистлар катта куч. Уларнинг сони 170 кишига етади. Хўжаликда 9 та цех партия ташкилоти ишлаб турибди. Шуниси қувончлики, партия комитети коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига жойлаштирган. Уларнинг ҳар бири ўзига топширилган ишни сидқидиллик билан бажариб, жонкуярлик қилмоқда.

Шу кунларда хўжаликка борган киши колхоз марказида, идорада коммунистларни топа олмайди. Улар далада — бири терим агрегати рулига ўтириб «оқ олтин» теряпти, бири шоли ўримида қатнашяпти.

Алексей Елисеевич пешқадам коммунистларнинг номларини бирма-бир санаб кетди. Мана, улардан бир нечаси: Эркабой Мўминов — участка бошлиги, Эргаш Бўтабоев — звено бошлиги, Ли Бон-Чун — бригада бошлиги, Қаҳҳор Сулаймонов — механик-ҳайдовчи.

— Яхшиси,— деди партком секретари,— далага чиқайлик, уларнинг қандай ишлаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрамиз.

Шундай қилдик. Тартиб билан қурилган турар-жой бинолари олдидан ўтиб, далаларга чиқиб кетдик. Қаерга бормайлик, колхозчиларнинг зўр ғайрат кўрсатиб ишлаётганлигини кўрдик. Ҳар бир кишининг максади битта: даладаги мўл ҳосилни тезда нобуд қилмай, ёғингарчилик бошланмасдан йиғиштириб олиш. Колхозчилар 5 октябрга қадар давлатга пахта сотиш планини бажаришга қарор қилишибди.

Шуниси қувончлики, бу ерда оркада судралиб юрувчи ялқовлар йўқ. Ҳамма кечагидан бугун баракалироқ ишлашга ҳаракат қилмоқда. Деҳқонлар кунлик нормаларини ошириб бажаришаяпти. Механик-ҳайдовчилардан Малик Субанов, Нам Син Ман ўртоқлар терим нормасини икки бараварга етказиб адо этишяпти. Терим агрегатларини рулига ўтирган бошқа механик-ҳайдовчилар ҳам ғайрат қилишяпти. Колхоз далаларида ишлаётган 53 машина терим суръатига қанот бўлмоқда.

Механизатор коммунист Каҳҳор Сулаймоновнинг ажойиб ишлари ҳақида партком секретари қувониб гапирди. У чарчаш нималигини билмайди. Ҳақиқий коммунист. Ўзи раҳбарлик қилаётган звенонинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтаришга сўз берган. Далада мажбуриятни қоплайдиган ҳосил бор. «Оқ олтин» қийғос очилиб ётибди. Шунинг учун ҳам машиналар кўп пахта термоқда. Каҳҳор бир сменада терган пахтаси учун 25 сўмга яқин пул олмоқда. Унинг ўтган йилги даромади ҳам чакки бўлмаган эди. Пахтадан 4 минг сўм даромад қилган эди. Бошқа механик-ҳайдовчилар ҳам ҳалол ишлаётганликлари учун ана шундай кўп даромад олмоқдалар.

Колхоз маъмурияти далада ишлаётганлар учун барча шароитларни яратиб берган. Илғорлар рағбатлантирилмоқда, аванс пуллари вақтида бериб турилибди. Мусобақа кун сайин қизғин ёмоқда. Илғорлар ўз тажрибаларини ўртоқлашишаяпти. Шунинг учун ҳам теримда кун сайин суръатга суръат қўшилмоқда.

Колхозда коммунистлар авангард. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида қувончли ютуқларни қўлга киритишда уларнинг роли катта бўлмоқда.

Ф. ЛОБЗИН.
Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози.

Юбилей йили оқ олтини

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	Машина терими: бир кунда	Машина терими: мавсум бошидан бери	Қўл терими: бир кунда	Қўл терими: мавсум бошидан бери
Янгийўл	4,86	36,40	6,17	32,15
Оққўрғон	5,20	26,43	6,49	30,97
Юқори Чирчиқ	5,76	25,69	8,82	30,15
Оржоникидзе	3,03	23,73	2,00	5,36
Бўка	4,39	22,91	5,85	26,81
Ўрта Чирчиқ	4,63	22,51	6,73	26,75
Бекобод	2,32	14,01	2,77	11,01
Область бўйича:	4,45	25,11	5,88	26,52

Октябрнинг 50 йиллиги

МЕДИЦИНАМИЗНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

УСТОЗЛАР

(Боши 1-бетда).

Киши суюнганда бунга сабаб бўлган воқеаларни эслайди. Зулфия опа кўз олдидан ҳаёт йўли кино лентасидай ўта бошлади. Бу худди кечагидек эди. Дугоналари паранжи ёпиниб мактабга қатнаган дамларда ёш Зулфия ҳам дорилфунунга ўқишга кирди. Атоқли олим Моисей Ильич Слоним Зулфияда илмга интилишни кўрди.

«Илм-фан ҳазинасидан дур қидир, қизим, — дея уни илҳомлантирганди устоз. — Бу дурларни албатта топасан...».

Йиллар ўтди. Зулфия — врач, аспирант, медицина фанлари кандидати, доцент даражасида ишлаган дамларида ҳам доимо устознинг бу самимий сўзларини унутмади, унга амал қилди.

Мана бу унутилмас воқеа унинг устозига ташаккурини тағин ҳам орттириб юборди.

... Оғир касал ҳолда тўшакда ётган профессор М. И. Слоним негадир Зулфияни ўз ҳолига қўймасди. Худди қалбй бирор кўнгилсиз ҳолни сезаётгандек:

«Зулфия, мумкин бўлса докторлик диссертациянгнинг қўлёзмаган бобларини олиб кел. Биргалашиб кўриб чиқамиз...» деди.

Шогирдининг олим бўлишини истаган устоз докторлик диссертациянинг сўнгги варақларини ўқиб туриб оламдан кўз юмди. М. И. Слонимнинг жонсиз, совуқ қўлларида қалам ва охирги варақларгина қолди...

Мана ҳозир СССР Медицина фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори атоқли олима Зулфия Иброхимовна Умидованинг ўзи устоз. Унинг раҳбарлигида 20 киши медицина фанлари кандидати, 2 киши медицина фанлари доктори унвонига сазовор бўлди. Тинмй-тинчимас олима Қорақалпоғистон АССР медицина ходимлари олдига борib, уларнинг илмий, амалий ишларида консультатив ёрдамлар беради. Уни моҳир устоз, етук шифокор, ажойиб аёл сифатида ҳурмат қилишади. Бутун ҳаётида ўз устози Моисей Ильичга ўхшашга, шундай яшашга ҳаракат қилади моҳир профессоримиз.

Профессорлар М. И. Слоним ва А. Н. Крюковларнинг яна бир шогирди Носир Исмоилович Исмоиловдир. Таниқли олим мана 50 йилдирки, илм-маърифат йўлида хизмат қилиб келмоқда...

Ўшанда Носир ака 17-18 ёшларда эди. Улуғ Октябрь қуёши унга ҳам бахт келтирди. Унинг ўзи 1919—1920 йилларда саводсизликни тугатиш курслари очишга бош бўлди. Ўзи ҳам таҳсил кўргани ҳолда айни бир вақтда шу курсларда дарс бера бошлади. У ишчилар факультетини тугатгач, Фарғона водийсида босмачиларни тугатиш ишларида ҳам фаол қатнашди.

Илмга чанқоқ Носир Исмоилов медицина факультетига кириб ўқиди. У ҳам профессор М. И. Слоним раҳбарлигидаги клиникада ишлайди. Ўшанда у оддий врач эди. Ҳозир эса машҳур профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси!

Профессор Н. И. Исмоилов катта бир клиникага бошчилик қилмоқда. Шу клиникадан етишиб чиққан медицина фанлари доктори профессор Мунира Турсунхўжаева ва 15 дан ортиқ медицина фанлари кандидатлари аҳоли саломатлигига посбонлик қилишда устозларининг традицияларини давом эттирмоқдалар.

Олим Акбар Асқарович Асқаровни ким танимайди дейсиз! У ҳам улуғ рус олимлари А. Н. Крюков ва И. Кассирскийларнинг бой билимидан баҳраманд бўлди. Акбар ака 11 кишини фан кандидати қилиб етиштирган ва 87 йирик ва актуаль илмий асар ёзган таниқли медик олимдир. Шарқ медицинасининг юлдузи — буюк мутафаккир олим Абу Алй ибн Синонинг ўлмас асарларини таҳрир қилиб, ўзбек халқига етказиб берган Акбар Асқарович республикамизда ошқозон-ичак касалликларини тугатиш ва унинг олдини олиш борасида етакчи мутахассис сифатида жуда кўп иш қилди.

Тошкент Давлат медицина институтининг профессори Акбар ака бундан бир неча йил муқаддам қалб амрй билан Оҳангарон шаҳрига бориб, кончилар орасида безгак касалини тугатиш ишларига бошчилик қилади. Тинмбтинчимас шифокорни кончилар бениҳоя ҳурмат қиладилар. Унга «Фахрий кончи» деган унвон берилди. Ўша пайтларда у Ленин партиясига аъзоликка қабул қилинди.

Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, медицина фанлари доктори профессор Акбар Асқарович Асқаров ҳам талайгина муносиб шогирдлар етиштирди. Улар фақат институт клиникаларидагина эмас, айни бир вақтда областларда, районларда жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар ҳам қаерда бўлишдан ва ишлашларидан қатъий назар, устозларига юракдан таъзим қиладилар, ташаккур айтадилар.

Томчида қуёш акс этгандек, республикада ҳозирги замон медицина фанлари доктори профессор Т. Х. Нажмиддинов ҳам устозлар меҳрини қозонди.


Пойтахтда яшовчи аҳолининг кўп қисми, айниқса собиқ эски шаҳар аҳолиси юқорида номлари зикр этилган рус олимларини яхши танийди. Чунки улар бир неча марта маҳаллий халқ орасида бўлиб, уларга бепул медицина ёрдамини берганлар. Улар билан яқин алоқада бўлганлар.

Номи кундан-кунга танилаётган Тошкент шаҳримиз шуҳратини 1898 йилда оламга тараттан устоз П. Ф. Боровскийдир. У ўша даврда кенг тарқалган дейшманиез (сарт яраси) касаллигини қўзғатувчи паразитни биринчи бўлиб топган ва уни даволаш йўлларини асослаб берган олим ҳисобланади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида олий маълумотли медик кадрлар бармоқ билан санарли эди. Ҳозирдачи, ҳозирда уларни санаб саноғига етолмайсан, киши! Биргина Тошкент давлат медицина институтида ҳозир 60 га яқин фан докторлари-профессорлар, 80 га яқин доцент ва 350 дан ортиқ ассистент ишлаб турибди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги арафасида республикамизда медицина эҳминнинг равнақи, аҳолининг соғлигини сақлаш учун жонбозлик кўрсатган ва ўз куч-қувватини аямаган улуғ олимлар, ажойиб устозларнинг номларини яна бир бор ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳаким ЗОҲИДИЙ,
профессор.
Отаулла ОҚИЛОВ,
доцент.



◆ ДОКТОР С. ОЗСОЙЛУ (ТЎРКИЯ): Биз семинарда болаларнинг соғлигини сақлаш, уларни тарбиялаш соҳасида советлар мамлакатида тўпланган тажрибани ўргандик. Биз бу соҳада жуда кўп ва жуда яхши таассурот олдик. Докладларгатина қараб эмас, балки ўз кузатишимизга қараб Ўзбекистон болалари бахтли ҳаёт кечираётирлар, улар зарур нарсаларнинг ҳаммасига эгадирлар, деб айтиш мумкин.

◆ ДОКТОР Н. АМБАРЦУМЯН (ЭРОН): Ўзбекистонда медицина муассасалари шохобчалари жуда кенг ривожланибди. Шу билан бирга шаҳар аҳолиси ҳам, қишлоқ аҳолиси ҳам медицина ёрдамидан бир хил даражада бемалол фойдаланмоқдалар. Менинг фикримча, бу жуда катта ютуқдир.

ТОШКЕНТ — ФОРУМЛАР МАРКАЗИ

◆ Ҳурматли газетхон, эътиборингизни қуйидаги дунё харитасига қаратмоқчимиз. Ер юзининг турли мамлакатларида Ўзбекистон ССРнинг пойтахти Тошкентга стрелкалар тортилган. Стрелкалар жонажон Тошкентимизни Германия Демократик Республикаси, Польша, Ироқ, Куба республикаси, Аргентина, Кипр, Эфиопия, Судан, Сомали, Того сингари чет эл мамлакатлари билан боғланган.

Бу мамлакатлар медицина арбоблари 1961 йилда пойтахтимиз Тошкентга — катта анжуманга тўпландилар. Улар иссиқ мамлакатларда учрайдиган касалликларга бағишланган жаҳон конференциясида қатнашиш учун келган эдилар. Катта йиғинда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларининг вакиллари ҳамда Осиё, Африка ва Жанубий Америка мамлакатларидан ҳам медицина арбоблари қатнашдилар.

Шунисн қувончлики, чет эллардан келган меҳмонлар республикамизда кўпгина юқумли касалликларни тугатиш йўлида эришган тажрибаларимиз ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошираётган катта тадбирларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Бизда инсон соғлиғини сақлаш йўлида ажойиб ишлар амалга оширилаётганлигини ҳақли равишда эътироф этдилар.

⊙ Тошкентимиз яқинда яна чет эллик медицина арбобларини қабул қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти болалар фондининг мактаб ёшигача бўлган ўғил-қизларнинг соғлиғини сақлаш, уларни тарбиялаш ва овқатлантириш проблемаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Семинарда Осиё ва Африкадаги 20 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари қатнашдилар.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

«Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун!». Партиямиз программаси мазмунининг мағзи ҳам, куннмизнинг шиори ҳам шу!

Фаровон ҳар бир куннмизда инсон сиҳат-саломатлиги йўлида кўз-қулоқ бўлиб турган шифокорлар қайноқ меҳнатининг ҳам муҳри бор.

Бизда шифокорлар ғоятда қадрланади. Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки кунлардан бошлаб халқ соғлигининг посбонлари катта ғамхўрликлар билан қуршаб олинднлар. Янги касалхоналар ташкил этила бошланди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгарги Тошкентни кўз олдингизга келтиринг-а! Ўшанда шаҳарда биронта на врачлик, ва на биронта фельдшерлик соғломлаштириш пунктлари бўлган. Ўлка бўйлаб дайдий юрган қизамиқ, чечак, вабо каби офатлар кўплаб гўдакларни қириб кетарди.

Медицина-профилактика ишлари кенг йўлга қўйилганлиги туфайли Совет ҳокимияти йилларида хавфли касалликлар таг-туги билан тугатилди.

Энди қуйидаги юксалиш рақамларига эътиборингизни жалб этамиз. 1917 йилнинг 26 октябрида шаҳарда дастлабки медицина-санитария бўлими очилди. Малакали шифокорлар тайёрлаш масаласига ҳам дадил киришилди. 1919 йилда олий медицина мактаби ўз фаолиятини бошлади. Орадан бир йил ўтгач, мазкур мактаб Туркистон Давлат университетининг медицина факультетига айлантирилган, унинг биринчи бош врачи А. П. Спридоновнинг хизматлари катта бўлди. Ҳозир бу касалхонага ўртоқ Р. Ғиззатуллин раҳбарлик қилмоқда.

Пискент шаҳри аҳолиси медицина ходимлари хизматидан беҳад мамнундирлар. А. Нўъмонова, С. Маликова, А. Аблолов, С. Бакирова каби ишчан ходимлар аҳолига медицина хизмати кўрсатишда айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бу ерда ишлаб, бой тажриба тўплаган медицина ходимларининг айримлари ҳатто республика миқёсида ҳам танилдилар. Шифохона ходимларидан уч киши республикада хизмат кўрсатган врач деган шарафли ном эгаси. Айрим врачлар шаҳар ва область Советларига депутат қилиб сайландилар.

— Ишга келган дастлабки дамларни ҳали-ҳали яхши эслайман, — дейди кекса шифокор А. П. Спридонов. — Ҳамма қийинчиликлар орқада қолди. Мана ҳозир даволаш ишларини намунали олиб бориш учун ҳамма қулайликларга эгамиз. Бу, албатта партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Совет халқи Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди. Ана шундай қувончли дамларда босиб ўтилган шонли йўлни хотирлаш қандай завқли. Мен ҳам шу шифохонанинг бир аъзоси бўлганлигим билан беҳад бахтиёрман.

Шифохона республикамизда ташкил топган тўнғич медицина даргоҳидир. У келгусида тағин ҳам кенгаяди. Кўплаб тажрибали мутахассис кадрлар етишиб чиқади. Ана шуларни ўйлаганингда беҳад фахрланасан, киши!

Қ. СОДИҚОВ,
область санитария маорифи уйининг методисти.

ТЎҢҒИЧ ШИФОХОНА

Баъзан кичик бир сабаб билан катта воқеанинг шоҳиди бўласан, киши! Муқоваси сарғайиб қолган фотоальбомни варақлаб ўтиргандик. Унинг дастлабки варағига ёпиштирилган расм эътиборимизни ўзига тортди. Ўртада ўтирган оқ халатли киши бизга таниш кўринарди.

Ким бўлди экан? Бўлди, бўлди. Ўзимизнинг Арсений Петрович-ку!

Сурат олинганига салкам қирқ беш йил бўлиб қолибди. Ўшанда у ёшгина йигитча эди.

Шифокор Арсений Петрович Спридонов Қозон дорилфунунини тамомлаб, Туркистон ўлкасига йўл олганига мана 54 йил бўлди. У Пискент қишлоғига ишга тайинланди. Ўша давр тузумининг территориал бўлинмаси асосида 1-Пискент врачлик участкасига бошчилик қилабошлади.

Дастлаб қатор қийинчиликларга дуч келинди. Кадрлар етишмас, нормал иш олиб боришга дин аҳллари тиш-тирноқлари билан қарши туришарди. Ўртоқ Спридонов врачлик участкасидаги тўрт медицина ходими билан енг шимариб ишга киришди. Улар вақт билан сира ҳисоблашишмасди. Беморларни мумкин қадар тезроқ соғайтиришга ҳаракат қилишарди.

Йиллар ўтди. Ўзбекистон ССР ташкил топгач, бу шифохона анча кенгайди. Шу билан бирга шифохона медицина кадрлари тайёрлаш ишлари билан ҳам шуғулланди.

1935 йилда касалхона хирургия корпуси, кейинчалик эса туғруқхона, болалар касалликлари бўлими ва бошқа кабинетларга ҳам эга бўлди. Кўз касалликлари ва неврологик бўлимлар ҳам очилди.

Ҳозир Пискент шаҳар касалхонаси чинакам йирик шифохонага айланган. Унинг ихтиёрида 8 та бўлим бор. Умуман, ўтган ярим аср мобайнида бу шифохонадаги ўринлар сони 300 тадан ошиб кетди. Етарли медицина кадрлари етишиб чиқди. Касалхона ўзининг кўп профилли поликлиникаси ва турли лабораторияларига эга.

Тўнғич шифохонанинг бу даражада кенгайиши ва даволаш ишларининг намуналя йўлга қўйилишида унинг биринчи бош врачи А. П. Спридоновнинг хизматлари катта бўлди. Ҳозир бу касалхонага ўртоқ Р. Ғиззатуллин раҳбарлик қилмоқда.

Пискент шаҳри аҳолиси медицина ходимлари хизматидан беҳад мамнундирлар. А. Нўъмонова, С. Маликова, А. Аблолов, С. Бакирова каби ишчан ходимлар аҳолига медицина хизмати кўрсатишда айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бу ерда ишлаб, бой тажриба тўплаган медицина ходимларининг айримлари ҳатто республика миқёсида ҳам танилдилар. Шифохона ходимларидан уч киши республикада хизмат кўрсатган врач деган шарафли ном эгаси. Айрим врачлар шаҳар ва область Советларига депутат қилиб сайландилар.

— Ишга келган дастлабки дамларни ҳали-ҳали яхши эслайман, — дейди кекса шифокор А. П. Спридонов. — Ҳамма қийинчиликлар орқада қолди. Мана ҳозир даволаш ишларини намунали олиб бориш учун ҳамма қулайликларга эгамиз. Бу, албатта партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Совет халқи Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди. Ана шундай қувончли дамларда босиб ўтилган шонли йўлни хотирлаш қандай завқли. Мен ҳам шу шифохонанинг бир аъзоси бўлганлигим билан беҳад бахтиёрман.


Шифохона республикамизда ташкил топган тўнғич медицина даргоҳидир. У келгусида тағин ҳам кенгаяди. Кўплаб тажрибали мутахассис кадрлар етишиб чиқади. Ана шуларни ўйлаганингда беҳад фахрланасан, киши!

Қ. СОДИҚОВ,
область санитария маорифи уйининг методисти.



РЕВОЛЮЦИЯДАН аввал аҳолига медицина хизмати кўрсатиш асосан табиблар қўлида эди. Юқоридаги суратда ўша вақтда тишни қандай «даволаш» пайти кўрсатилган. Сартарош тишни омбир билан суғирмоқда.

Ўнгдаги суратда эса ҳозирги замон медицина асбоблари ёрдамида тишни даволаш пайти акс эттирилган.



ЮЗ ЙИЛ ЯШАСАНГУ, ҚАРИМАСАНГ!

Узоқ умр кўрганга не етсин! Атоқли совет шоири В. В. Маяковский ёзганидек, қани юз йил яшасангу, қаримасанг!

Бизда ана шундай бахтга муяссар бўлган отахонлар, онахонлар оз дейсизми?! Узоқ йил яшаб кексалик гаштини сураётганлар республикамизнинг ўзида ҳам кўплаб топилади. Ҳозир Ўзбекистонда ҳар юз минг аҳолидан 10 киши 100 йил умр кўраётганлиги ҳаммага маълум. 70—80 ёшга кирганларнинг саноғи йўқ. Совет ҳокимияти йилларида кишилар ўртасида узоқ умр кўриш деярли икки баравар ортди.

Бу борада тадқиқотлар олиб бориш ишлари кенг йўлга қўйилди. Ҳозир бу иш республика геронтология маркази зиммасига юклатилган. Кишиларнинг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаб, улар умрига-умр қўшиш юзасидан ҳам анчагина ишлар қилинди.

Бу, албатта партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўраётган буюк ғамхўрликларининг ёрқин ифодасидир.

ЛАБОРАТОРИЯДАН — ИНСТИТУТГА



«Ҳамма жойда ҳам биз бир аянчли манзарани кўрдик: кенг, ям-яланғоч даштларни, каналлар бўйлаб чўзилиб кетган далалар ва қишлоқларни, шўр ботқоқларни кўрдик. Ҳамма жойда безгак касаллиги ҳукм сурмоқда, ўлиш эса туғилишдан тўрт баравар кўп». 1920 йилда Мирзачўлга келиб кетган профессор В. Бугаевский бу гапларни ачиниш билан ёзганди.

Бу фикрни «Туркестанские ведомости» газетасида ёритилган материаллар ҳам тасдиқлайди. Хабар қилинишича, 1893—1901 йиллар ичида Тошкент уездида безгак дастидан 40 минг кишининг ёстиғи қуриган. Шу даврда безгак билан оғриган беморлар сони 160 минг кишига етди.

Шундай бўлиши табиий эди. Негаки, ўшанда санитария-гигиена ишларига мутлақо аҳамият берилмасди. Устига-устак ҳар бир уезд аҳолисига бирёғи бир врач тўғри келарди.

Юқумли касалликларга қарши кураш муҳим вазифа бўлиб қолган эди. Шу сабабли Улуғ Октябрь революцияси галаба қозонганидан кейин мамлакатимизда даволаш-профилактика муассасаларининг тармоқларини ташкил этишга дадил киришилди.

Тошкентда 1918 йилда санитария бактериология лабораториясининг очилиши бу соҳада амалга оширилган катта иш бўлди. Кейинчалик бу муассаса вакциналар ва сывороткалар институтига айлантирилди.

Институтимиз келгуси йили 50 ёшга тўлади. Институт ташкил топган дастлабки йилларданоқ жуда ҳавфли бўлган юқумли касалликлар чума, вабо, қора чечакка қарши мунтазам кураш олиб борди ва ўрта Осиё территориясида бундай офатларнинг бутунлай тугатилишига эришди. Бунда профессорлардан А. Д. Греков, В. Д. Штибен, А. В. Георгиевскийлар чинакам ижодий гайрат кўрсатдилар.

Институтга Н. И. Ходунин, А. В. Георгиевский, М. С. Софиев ва Ф. И. Шевченко каби малакали мутахассисларнинг келиши билан баъзи бир юқумли касалликларнинг этиологиясини (келтириб чиқарувчи сабабини), эпидемиологиясини (тарқалиш сабабларини) ва профилактикасини (олдини олиш ҳолларини) кенг миқёсда ўрганиш учун истиқболлар очилди.

Тадқиқотлар қўлами йилдан-йилга кенгайиб борди. Институт том маънодаги илмий марказга айланди. Энди у янги ном билан — «Эпидемиология, микробиология ва санитария институти» деб атала бошланди. Янги илмий ва ишлаб чиқариш бўлимлари ташкил қилинди.

Экспериментал медицина институтида илмий ишлар авж олиб кетди ва бу Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўрганилди. Бу янги лаборатория очилишига сабаб бўлди. Н. И. Ходунин раҳбарлигидаги илмий ходимлар томонидан висцерал лейшманиоз (кишининг ички аъзоларида учровчи ёмон жароҳат) касаллигининг этиологияси ва профилактикаси ҳам шу ерда биринчи бўлиб вируслар кўзғатувчи касалликларни ўрганувчи катта илмий тадқиқот ишлари асосан 1940 йилда тугалланди. Унга қарши кураш чоралари топилди. Мазкур циклдаги ишлари учун профессор Н. И. Ходунинга халқаро мукофот — Каспара Вианна медали берилди.

Бундан ташқари қорин тифи ва паратифга қарши қўлланиладиган вакциналарнинг эффективлиги ҳам ўрганилди. Қиздириш йўли билан олинган вакцинанинг юқори эффективлиги аниқланди. Микроблар генетикаси лабораториясининг ташкил қилиниши билан қорин-ичак касалликларининг микробларини вакцина шатмаларини антигенлик хусусиятини ошириш ва шу микробларнинг вирулентик хусусиятини камайтиришни ўрганиш имкони туғилди.

Кейинги беш йиллик фаолияти давомида тадқиқотлар асосан вакцина ва сыворотка ишлаб чиқариш профили асосида олиб борилди.

Вакцина ва сыворотка институти дастлабки пайтда фақатгина юқумли қорин-ичак касалликларига, қора чечакка ва кутириш касаллигигагина қарши вакцина ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирги вақтда унинг ҳажми 20 мартадан ортиб кетди. 60 дан ортиқ дори-дармонлар тайёрланмоқда. Илон заҳарига қарши олинадиган сыворотка ва Ку-антигени СССРда фақат шу институтдагина ҳосил қилинди.

Институтнинг ишлаб чиқариш бўлимида тайёрланган вакцина ва сывороткалар ҳатто чет мамлакатларга, жумладан Камбоджа, Вьетнам Демократик Республикаси, Неапол, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга ҳам юборилмоқда.

Бугунги кунда институтимиз Иттифоқ миқёсида танилган. Унинг базасида бир неча медицина муассасалари ташкил топди.

Илмий муассаса коллективи Ўзбекистонлик биринчи микробиолог, эпидемиолог ва вирусолог мутахассисларни етиштириб чиқарганлиги билан фахрланади.

А. ОБИДОВ,
Тошкент вакцина ва сыворотка институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ



ЯНГИ ТОШКЕНТ жамоли тобора гўзаллашиб боряпти. Муҳташам ва кўркам турар жой бинолари, кўплаб маданий-маиший объектлар қад кўтаряпти. Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи шарафига айниқса қардош республикалар ва кўли гул қурувчиларимиз зўр ғайрат ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Фотомухбиримиз А. Абалян олган бу суратда Високовольт масси видаги улкан қурилишнинг бир қисми акс этган. Бундай турар жойлар комплекси пойтахтимизнинг ҳамма ерида жадал барпо этилмоқда.

БЕШ КУНЛИК ИШ ВА НАТИЖА

«Компрессор» заводи республикамизнинг энг йирик корхоналаридан бири. Завод қуввати йил сайин ошиб, цехларда маҳсулот тайёрлаш кўпайиб бормоқда. Шу кунларда ҳам корхона территориясида катта қурилиш ишлари олиб борилаётир. Цехлар ёнига цех, участкалар ёнига участка қўшилияпти. Компрессорларга ва кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёж шундай юксалишни тақозо этаяпти.

Коллектив қўлидан чиқаётган агрегатлар сифатидан буюртмачилар хурсанд. Завод маркаси босилган компрессорлар йўл қурилиш ишларида, қишлоқ хўжалигида, саноатнинг турли соҳаларида ишламоқда. Чет элларда ҳам бу машиналар довруғ таратган. Ишчилар, инженер-техник ходимлар юбилей йилида корхона шуҳратини тағин ҳам оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархини арзонлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу курашда коммунистлар коллективини доимо олға томон етакламоқдалар.

Цехларда туғилаётган янгиликларнинг барчаси коммунистлар номи билан боғлиқ. Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтишга тайёргарлик кўриш даврида ҳам коммунистлар ажойиб ғайрат ва ташаббус кўрсатишди.

— Заводимизда ташкил этилган комиссия бир қатор тадбирлар ишлаб чиққач, коммунистлар бу тадбирларни кенг муҳокама қилдилар ва ўз таклиф ва истакларини билдирдилар, — дейди корхона партия комитетининг секретари Виктор Захаров. — Коммунистлар беш кунлик иш ҳафтаси корхона учун нималар беришини ишчиларга кенг тушунтирдилар. Бундан давлат ҳам, коллектив ҳам манфаатдор эканлигини айтдилар.

Пухта тайёргарликдан сўнг корхона 1 августдан икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтди. Биринчи смена соат етти яримдан бошланадиган бўлди. Танаффус учун 43 минут вақт ажратилди. Шу усулда эстафета иккинчи сменага топширилади. Ишчилар тезда бунга кўникиб қолишди. Биринчи марта икки кун дам олиб душанба куни ишга кайтгач, янгича ишлашнинг нақадар яхшилигига яна бир бор ишончлари комил бўлди.

— Энди ҳар биримиз вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди коммунист слесарь В. Акимов.— Беш кунда биз олти кунлик ишни бажаришимиз керак. Участкаларда меҳнат мана шунга қараб таксимланган. Ҳар бир ишчи ўз вазифасини пухта билади. Сменага барвақтроқ келиб, агрегатини созлайди, смена давомида керак бўладиган материалларни жой-жойига қўйиб чиқади. Кейин сменани бошлайди. Шунда ишимиз баракали бўлаверади.

Дарвоқе шундай. Б. Яковлев, Э. Баҳромов, И. Қодиров, У. Тўраев каби ўнлаб коммунистлар ҳозир зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар беш кунлик иш ҳафтасида ҳам илгаригига нисбатан ғоят катта ютуқларни қўлга киритишяпти. Яқинда коммунистлар йиғилишиб август ойи иш якунларини ҳисоб-китоб қилишди. Натижа жуда ҳам қувончли. Июнь-июль ойларида корхонада кўпгина кўрсаткичлар бўйича белгиланган топшириқ бажарилмай қолган эди. Август ойида эса завод бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 118 процент адо этилди. Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича белгиланган кўрсаткич 103,9 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 26 процент ошди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган ойда коллектив маҳсулот таннархини арзонлаштиришда ҳам олга кетди. Август ойида таннархнинг арзонлашувидан 9 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди.

Эришилган муваффақиятлар ишга ижодий ёндошиш, вақтдан унумли фойдаланиш ва агрегатлар ҳаракатини тезлаштириш туфайли қўлга кирди. Айниқса, коммунистлар бу соҳада жонбозлик кўрсатишди. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билангина чегараланиб қолмай, янгиликларни жорий этишда ҳам ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Унумли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олиш қанчалик ғаштли. Завод маъмурияти ва партия ташкилоти икки кунлик дам олишга ўтилгандан бери ишчиларнинг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. «Кўккўл»да чодирлар шаҳарчаси ташкил этилди. Бу ердаги кўл соҳили шанба ва якшанба кунлари завод ишчиларининг оромгоҳига айланади. Ишчилар балиқ тутишади, ов овлашади. Ёшлар эса спорт машғулотларини шу ерда ўтказишади. Бир қанча белгиланган топшириқ бажарилмай қолган эди. Август ойида эса завод бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 118 процент адо этилди. Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича белгиланган кўрсаткич 103,9 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 26 процент ошди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган ойда коллектив маҳсулот таннархини арзонлаштиришда ҳам олга кетди. Август ойида таннархнинг арзонлашувидан 9 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди.

Эришилган муваффақиятлар ишга ижодий ёндошиш, вақтдан унумли фойдаланиш ва агрегатлар ҳаракатини тезлаштириш туфайли қўлга кирди. Айниқса, коммунистлар бу соҳада жонбозлик кўрсатишди. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билангина чегараланиб қолмай, янгиликларни жорий этишда ҳам ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Унумли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олиш қанчалик ғаштли. Завод маъмурияти ва партия ташкилоти икки кунлик дам олишга ўтилгандан бери ишчиларнинг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. «Кўккўл»да чодирлар шаҳарчаси ташкил этилди. Бу ердаги кўл соҳили шанба ва якшанба кунлари завод ишчиларининг оромгоҳига айланади. Ишчилар балиқ тутишади, ов овлашади. Ёшлар эса спорт машғулотларини шу ерда ўтказишади. Бир

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

қунлик дам олиш уйларига ҳам йўлланмалар бор. Истаган киши оила аъзолари билан бориб ҳордиқ чиқариб келишлари мумкин.

Корхонанинг ўзида ҳам ишчиларнинг барокали меҳнат қилишлари учун бир қатор тадбирлар кўрилди. Ёзги ва қишки ошхоналар анча кенгайтирилди. Пирожки, бутерброд ва кофени бевосита цехларга олиб бориб сотиш тажрибаси қилинаяпти. Бундан ташқари комплекс овқатлар учун олдиндан заказ олиш ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси ишчи учун вақтдан унумли фойдаланиш имконини яратяпти.

Корхона маъмурияти ва партия ташкилоти ишчилар фарзандлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ҳозир завод ҳузурида 10 ва 33-болалар боғчалари ишлаб турибди. Боғчадаги группалар ишчилар сменасига мослашган ҳолда болаларни ҳар хил вақтларда қабул қилиб олади. Болалар кечаю-кундуз тарбияланадиган группалар ҳам ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси ютуқлар кўламини кенгайтирмоқда. Ишчининг вақтида ишлаб, вақтида намунали ҳордиқ чиқариши учун имконият яратмоқда.

— Аммо ҳали ҳамма ишларимиз жойида деб бўлмайди, — дейди партком В. Захаров, — заводимиз атрофидаги магазинлар ҳамон эскича иш тартибида ишлаяпти. Қиров райпищеторгига қаришли бу магазинлар ҳам ишни эртарок бошласалар кўнгилдагидек бўларди.

Ишчилар талаби ўринли. Шаҳар савдо, транспорт ташкилотлари ҳам ўз ишларини беш кунлик иш ҳафтасига мослаб қайта қурсалар меҳнатимиз тагин ҳам баракали бўлар эди.

Ж. НОСИРОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ИЛЁС НОНВОЙ

«Роҳат» чойхонасида чойхўрлик қилиб ўтирган кексаларнинг бири, ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ нонни синдириб ўртага қўяр экан, шеригига деди:

— Умрингдан барака топгур Илёс отам нонни боплаптилар-да. Момақаймоқ-а.

— Мен у кишини салкам қирқ йилдан бери танийман,— суҳбатга аралашди чой хўплаб, нонга кўл узатаётган бошқа мўйсафид.—Суяги шу касбда қотган.

Ҳақиқатан ҳам Илёс Идрисов шу касби билан обрў топган, элдан раҳматлар эшитиб келяпти.

— Ўн ёшга етмай шогирд тушган жойдан бошлади. Шу атрофда яшовчи кишилар билан суҳбатлашди, хонадонларда бўлди. Ўша нуни нўча юзидан қандай машина ўтди, бирор юк олиб келиб туширдими ёки сотдими шуларни суриштирди. Ана шу навбатдаги учрашув ва суҳбатларнинг бирида Оққўрғон район «Ҳамза» колхозининг аъзоси Мадумар ака бундан бир ҳафтача илгари эрталаб соат ет тилар чамасида нўмир ортган «МАЗ» автомашинаси келганини, кўмирни шу колхоз аъзоларига сотиб, яна Оққўрғон томонга қараб кетганини айтиб қолди.

— Янглишмасам,— деди Мадумар ака шунда,— машинанинг сўнгги номери 14 бўлса керак.

Деман «МАЗ» автомашинаси. Автоинспектор ана шу ҳаёл билан Қўйлиқдаги 39-автобазага етиб келди. Чунки бу ердаги машиналарнинг ҳаммаси шу маркада эди. Инспектор Адинаев автобаза диспетчери хонасида барча машиналар кортатетини текшириб ўтиргани да 14 рақамига нўзи тушиб қолди. Бу автомашинанинг номери 07—14 ТШГ эди. Машина йўл қоғозини текшириб кўрди. Ҳақиқатда эса автомашина жиноят содир бўлган кунида гаражда бўлган эмас. Ваҳоланки диспетчернинг айтишича машина гаражда турибди. Демак, шофер ҳеч нимнинг рухсатисиз гараждан машинани олиб чиқиб кетган.

Шофер В. Котов олдинига «нега мени милицияга олиб келдиларинг, мен ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ, бунинг учун жавоб берасизлар» деб баланд келган бўлди. Лекин кўрққан олдин мушт нўтарар қабилидаги бу найрангларидан фойда бермади. Котов шофер Котов нўмир сотиб олган киши билан юзлаштирилгандан кейингина попуги пасайди. Қилмиши олдида таслим бўлди.

— Нима учун жиноятни қилишга қилиб, жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига қочиб кетдингиз?—сўрашди Котовдан.

— Эрталаб бўлгани учун, ким кўрарди деб қочиб кетдим,— деди у сурбетларча.

Маълум бўлишича Котов илгари ҳам бир неча бор машинани берухсат гараждан олиб чиқиб, ўринча нўмир сотиб келган. Эгри қадам билан бошланган иш юқоридагидек мудхиш жиноят билан тугади.

Инспектор Адинаевнинг нўча ҳаракати қоидаларини сақлаш, бу йўлда жиноятчиларга қарши тинмай олиб бораётган ишларидан бир шингилнинг гапириб ўтдик. Бир неча йиллардан буён ана шу постда серганлик билан ишлаб келаётган инспектор Адинаев ўз участкасида жиноятчиликнинг ҳамма нўринишларига қарши нураш олиб борди. Ана шунинг учун ҳам унинг участкасида ҳозир бахтсиз ҳодисалар деярли йўқ. У эрта билан туриб ўз участкасидаги автобазаларда бўлади. Шоферлар билан суҳбатлашади. Машиналарнинг техника жиҳатдан соз лигини текшириб нўради. Ўрни келганда шоферларга қўлидан келганча ёрдам беради. Уз ишининг устаси бўлган Қозоқбой Адинаев яқинда область жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг буйруғи билан «Милиция» аълочиси» значогини олишга сазовор бўлди.

Қозоқбой жуда хушчақчақ, юзидан табассум аримайдиган шинаванда йигит. Шу билан бирга у хушовоз ашулачи ҳам. У ҳар бир нарсага вақт топа олади. Ишдан бўш вақтларида район маданият уйи тўгарагида қатнашади.

Шу кунларда Қозоқбой Адинаев ўз постида серган турибди. Топширилган вазифани шараф билан бажармоқда.

А. МИРПУЛАТОВ,
милиция майори.

ЖАЖЖИ МЕБЕЛЛАР

Дастлабки муваффақиятлар ёмон эмас. Яқинда «Шарқ» мебель фирмасида ташкил этилган виставкага биз ҳам ўз маҳсулотларимиз билан қатнашдик. Мутахассислар жажжи мебелларга юксак баҳо бердилар. Бундай буюмлардан кўпроқ ишлаб чиқаришни тавсия қилдилар.

Бундан буён корхонамизда маҳсулот тайёрлаш кўпайиб боради. 1964 йилда шаҳар саноат комбинатига қарашли ўша эски цех бор-йўғи 380 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Юбилей йилида биз бир миллион 180 минг сўмлик болалар мебели тайёрлаб беришга аҳд қилганмиз. Бундан ташқари заказ бўйича бошқа хил маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Юбилей йилининг дастлабки кунлариданоқ эўр кўтаринкилик билан меҳнат қилаётган коллективимиз саккиз ойлик топшириқни муваффақиятли адо этди. Пландан ташқари 148 минг сўмликдан зиёдроқ мебеллар ишлаб чиқарилди ва буюртмачиларга жўнатилди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилгандан 15 процент ўсди. Фабрика рационализатор ва ихтирочиларидан тушган таклифларнинг 19 таси ишлаб чиқаришга киритилади.

Коллектив тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Саккиз ой мобайнида иқтисод қилиб қолинган хомашёдан 3014 та болалар стули, кўплаб ўйинчоқлар тайёрланди. Турлар бўйича топшириқнинг ортиғи билан адо этилганлиги ва биринчи сортга қабул қилингани маҳсулотларнинг ҳажми кўпайганлиги туфайли 25 минг сўмлик жамғарма олинди.

Эришилаётган ютуқларга барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ўз муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар. Айниқса коммунистик меҳнат бригадалари ғайратидан коллектив беҳад хурсанд. Ҳозир 8 та бригада мана шу фахрли ном билан меҳнат қилмоқда. Едгоров, Муротов, Аминов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган коллективлар шу кеча-кундузда юбилейларини мусобақасининг байроқдори бўлмоқдалар.

Шу кунларда фабрикамиз цехларида иш қизғин. Буюртмалар бўйича йиллик планни Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришга, йил охиригача эса 200 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қурашмоқдамиз. Бундан ташқари ўз кучимиз билан барча қуритиш камераларини ҳам ремонтдан чиқариб, маҳсулот сифатини янада оширишни кўзлаяпмиз.

Фабрикамизда қўшимча ишлаб чиқариш корпуслари қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу йил ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, эски ускуналарни янгилари билан алмаштириш ҳамда уй-жой бинолари қуриш учун фабрика иқтисодий фондидан 560 минг сўм маблағ ажратилган. Барча янги ва ғайратимизни мана шу маблағни тўла ўзлаштиришга сарфлаяпмиз. Олдимизда турган вазифаларни ортиғи билан адо этиб, юбилейга муносиб совғалар ҳозирлаш барчамизнинг шиоримиздир.

С. СОФИ,
Янгийўл болалар мебели фабрикасининг инженери.

УНУТИЛМАС КУНЛАР ҲИКОЯСИ

Бундан ярим аср муқаддам мамлакатимиз тарихий тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Бу тараққиётни Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берди.

Большевиклар партияси раҳбарлигида, рус революцион пролетариати етакчилигида Туркистонда Октябрь революциясини амалга ошириш, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда ўзбек халқининг содиқ фарзандлари ҳам актив иштирок этдилар. Уларнинг жасорати дунёни революцион йўл билан тубдан ўзгартиришдан иборат буюк ишда чуқур из қолдирган.

Туркистонда Октябрь революциясини амалга ошириш, Совет ҳокимиятини ўрнатиш, ер ислоҳоти, бой-қулоқларга қарши, хотин-қизлар озодлиги ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун курашда актив қатнашганлардан бири Қодир Алимовдир.

Қодир 1898 йилда Зангиота қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У меҳнаткашларнинг чоризм ва феодализм зулми остида эзилганини, адолатсиз замонни ўз кўзи билан кўрди. Меҳнаткашлар оммаси билан биргаликда чоризмнинг, капитализмнинг миллий зулмига ва феодал бойларнинг раҳмсиз эксплуатациясига қарши, озодлик ва социализм учун курашда фидокорлик кўрсатди.

Қодир Алимов 8—9 ёшидан бошлаб бойлар молларини боқди, хизматкорлик қилди. Отаси ва акаси бойлар қўлида чорикор бўлиб ишлашарди.

1905—1907 йилларда биринчи рус революцияси шарқ халқларини, жумладан ўзбек халқини ҳам ғафлат уйқусидан уйғотди, ўзбеклар орасида ҳам озодлик ҳаракати бошланди, синфий кураш авж олди. Биринчи рус революцияси бўлган вақтда Қодирнинг отаси, акалари камбағал деҳқонлар билан биргаликда Қоратепа қишлоғидаги вақф ерини ўзаро тақсимлаб олиб, эшонларга ердан чиққан ҳосилдан бермай қўйдилар.

Ишчиларнинг революцион кураши таъсирида деҳқонлар орасида аграр ҳаракат кучайгани сабабли бойлар ва эшонлар камбағалларга қарши ҳужум қилолмадилар. Ишчи ва деҳқонларнинг галаёнлари бостирилгандан кейин бойлар камбағалларга қарши ҳужум бошладилар. Ер эгалари 1905—1907 йилларда деҳқончилик ҳосилидан бермаганлари учун Бостир ва Тўқсон акани калтакладилар, уларни икки йиллик деҳқончилик ҳосили учун қарз қилиб қўйдилар. Қодир акаларига бойлар ўтказган бу зулмларни ўз кўзи билан кўрган.

Биринчи жаҳон урушн бошланганида Қодир 16 ёшда эди. Уруш машаққати ишчи ва деҳқонлар устига тушган эди. Солиқлар кўпайди, уни тўлашга деҳқонларнинг қурби етмай қолган эди. Уларга Зангиота деҳқонлари ҳам келиб қўшилишди. Деҳқонлар орасида ёш ва ўспиринлар жуда кўп эди. Аламоннинг олдинги сафида уларнинг етакчилари турар эдилар. Деҳқонлар орасида Йўлдошхон Афзалхонов, Унқарбой Хўжаберганов, Ғани Тўраев, Йўлдош Бобожонов, Нажим Абдуғаффоров, Йўлчи Каримов ва бошқалар ташвиқот олиб боришарди. Муҳитдин мингбоши Тошкент уезд ҳокими Қовунчига казаклар билан етиб келганини айтиб деҳқонларга тарқалишни буюрди. Отлиқ деҳқонлар: «Урушга йигит бермаймиз!» «Оқ подшо»ни танимаймиз!» деб — бақирдилар, бу бақириқлар деҳқонлар орасида оммавий тус олди. Тошкент уезд ҳокими қуролсиз деҳқонларни ўққа тутиш тўғрисида фармон берди. Казаклар ва полиция деҳқонларни ўққа тутди. Мозор маҳалласидаги майдонга тўпланишди. Мажлисда 5 мингдан ортиқ киши қатнашди. Ёшлар кўлларига қизил боғлаб олган эдилар. Мажлисда деҳқон депутатлари ва деҳқонлар жамияти сайланди. Бойлар ҳам алоҳида мажлис қилиб, подшо ҳукуматининг оқсоқоли кўрнига Тўлаган ҳожини, сўнгра Маъдихўжани оқсоқол қилиб сайлаб олгандилар.

Февраль революциясида ҳокимият бойлар кўлига ўтгани деҳқонларга маълум эди. Зангиота бойлари ҳам қишлоқда ҳукуматни ўз кўлларига олдилар. Лекин қишлоқда деҳқон депутатлари билан Деҳқон жамияти ҳам иш олиб бораверди. Мен деҳқон жамиятига аъзо бўлиб кириб, унинг секретари бўлиб ишладим. Ғани Тўраев, Т. Аҳмедов, Иноят Пўлатов, Нишонбой Алимов ва бошқа ёшлар ҳам Деҳқон жамиятига аъзо бўлиб кирган эдилар. 1917 йил ёз ойларида мардикорлар қишлоққа қайтиб келишди. Уларнинг баъзилари большевик бўлиб қайтишган эди: «Мардикорлар» большевиклар ғоясини камбағал деҳқонлар орасида тарқата бошладилар.

Қишлоқда синфий кураш авж олди. Камбағал деҳқонлар бойларнинг ерларини тортиб олишга ҳаракат қилишар, большевиклар бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашарди. Бойлар камбағалларни кўрқитиш лайича тушиб, қишлоқда муваққат ҳукумат отрядини тузадилар. Отряд камбағалларни турли баҳона билан калтаклади ва Деҳқон жамиятини тарқатиб юборди.

Зангиотада Тўлаганхон ва Ўрта овулда Мирзаоқсоқол эсерлар партиясини тузадилар. Тошкент темирйўл ишчиларининг ташаббуси билан социал-демократ — большевиклар ташкилоти ҳам тузилди. Мен 1917 йилда большевиклар партиясига кирдим ва бу партия правлениесининг аъзоси бўлиб ишладим».

[Давоми 4-бетда].

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

Камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар хўжалиги вайрон бўлабошлади. Деҳқонлар қийинчиликда қолиши ди.

Бойлар кўплар қатори Қодир Алимовнинг акаси Ботирни ҳам мардикорликка юбормоқчи бўлишди. Унинг онаси Хонпоча хола дод-фарёд солиб кўчага чиқди, она кетидан Қодир кўлига паншаҳа кўтариб, қишлоқ аҳолиси тўпланган томонга қараб югурди. Қишлоқ аҳли Қовунчига бориб, мингбошига, волость бошлиғига мардикорга йигит бермасликни айтди.

«Шу зайилда Зангиота қишлоғида ҳам 1916 йил кўзголони бошланиб кетди», — деб ҳикоя қилади Қодир ака. У паншаҳа ушлаб, Зангиота қишлоғи аҳолиси билан Қовунчига (Янгийўл шаҳрига) боради. Қовунчида бўлган воқеани у тубандагича ҳикоя қилади:

«Қовунчида Ниёзбошн, Турқуш, Саидота, Боғиш, Йўлтуш, Нов ва бошқа қишлоқлардан 20 мингдан ортиқ деҳқон тўпланган экан. Ўқ тегиб ўлганлар ва яradор бўганлар кўп эди».

Шундай қилиб, подшо амалдорлари ва бойлар казаклар ёрдамида деҳқонлар кўзғолонини раҳмсиз бостирдилар.

Бойлар Зангиота қишлоғидан 200 камбағал, батрак, мардикор ва чорикорни урушга ҳайдашди.

1916 йил кўзголонидан кейин Зангиотада ҳам синфий кураш кескин тус олди. Бу синфий курашга Қодир Алимов, Ғани Тўраев, Йўлчи Каримов, Йўлдошхон Афзалхонов, Турғим Парпибоев, Карим Мирсаидов бош бўлдилар.

Қишлоқ деҳқонлари ҳам Февраль революцияси ғалабаси тўғрисидаги хабарни баланд руҳ билан кутиб олишди. Деҳқонлар мажлислари ва намойишлари бошланиб кетди. Қодир ака бу ҳақда тубандагиларни ҳикоя қилади:

«Камол товачи: эшитмадим деманглар, подшо тахтдан ағдарилибди, ҳаммаларимиз мажлисга боринглар», — деб бутун қишлоқ аъзолари қилди. Деҳқонлар тез-

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетхонларидан хатлар асосида

ШОШИЛИНЧ ЧОРА КЎРИЛДИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози пахтакорларининг юбилей йилидаги мажбуриятлари чакки эмас, — дейилади газетамизнинг 15 август сонидаги «Техниканн қадрламаётганлар» сарлавҳали мақолада. Лекин колхозга бориб ҳозирги ишлар, техника ремонти билан танишиб чиққанимизда ачинарли ҳолларга дуч келдик. Пахта териш машиналари ремонтдан чиқмаган.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, дейилади мақолада, ўтган йили колхознинг катта маблағига олинган янги пахта териш машиналари тажрибасиз кишиларга топшириб қўйилгани туфайли бир мавсумдан кейиноқ катта ремонт талаб бўлиб қолган.

Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари Ўртоқ Н. Носиров ана шу мақола юзасидан редакцияга қуйидагиларни хабар қилади:

Мақола район партия комитетида ҳамда колхоз правлениеси йиғилишида муҳокама қилинди. Келтирилган фактлар тўғри деб топилди. Техникани сақлаш ва ремонт қилиш соҳасида йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилди.

«Ленинский путь» колхозидаги камчиликларни бартараф қилиш борасида кўрилган чоралар ўз самарасини кўрсатди. Пахта териш машиналарининг ҳаммаси қисқа муддат ичида ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилиб юборилди.

Техникани намунали сақлаш ва сифатли ремонтдан чиқаришдек муҳим масалага етарли эътибор бермаганликлари, контролликни бўшаштириб юборганликлари учун колхознинг бош инженери Ним Дя Сен, устахона мудири Лин Ен Ин ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилди.

ЯНГИ МАССИВДА ЯНГИ МАГАЗИН

Шинам бино. Пештоқига «Хуш келибсизлар, хизматингизга тайёрмиз» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Кун кеча ишга туширилган икки қаватли озиқ-овқат ҳамда саноат молларн магазинн кишиларни шундай қабул қилиб олди.

Бинонинг биринчи қаватида 35-магазин ходимлари кишиларга намунали савдо хизматини кўрсатаётирлар. Ҳозир бу ерда 15 сотувчи ишламоқда. Эрта — индин ёш сотувчилардан яна 15 киши ишга келади. Ҳалима Ўрикова, Роза Гадина каби жонкуяр сотувчилар ҳозирданоқ харидорлар ҳурматини қозонмоқдалар.

Магазинда кондитер, гастрономия, гўшт, сут маҳсулотлари билан савдо қиладиган бўлимлар мавжуд.

Иккинчи қаватга кўтарилсангиз тайёр кийимлар, газмол, парфюмерия молларн савдоси устидан чиқасиз.

— Октябрнинг 50 йиллигигача бундай магазинлардан яна бир нечасини очамиз, — дейди Чилонзор район пишчеторги директорининг ўринбосари Б. Эшонхўжаев.— Қардош бинокорлар пойтахт аҳолисига уй-жой қуриб бериш билан бирга саноат молларн ва озиқ-овқат магазинларн ҳам совға қилаётирлар. Ҳозирда Чилонзорнинг 23-кварталида районимизда энг йирик бўлган озиқ-овқат магазинини ишга туширш мўлжалланаётир. Қурувчилар бу магазинда сўнггн пардозлаш ишларини олиб бораётирлар. Бу бинонинг юқорн қаватида аҳолн яшайди. Улар узоққа бориб овора бўлмасдан, шу ернинг ўзида истаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишлари мумкин. Бу магазинни бошқирдистонлик қурувчилар совға қилишяпти.

Бундан ташқари районда юбилейгача яна иккита озиқ-овқат магазини ишга туширилади. Уларни москвалик ҳамда украиналик дўстларимиз қурншаяпти.

Пишчеторг магазинларида тирик балиқларни сотиш ҳам яхши йўлга қўйилаётир. Бетондан ясалган алоҳида ҳовузчалар ташкил қилинаётир. Шундай ҳовузчалар ҳозир 48, 13-магазинларда бор.

Суратда: Чилонзорнинг 13-«В» кварталида янги очилган икки қаватли 35-магазинда савдо пайти.

А. Абалян фотоси.



ЖУРНАЛХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика хотин-қизларининг севимли журнали — «Саодат» редакцияси журналхонлар билан учрашув ўтказди. Киров районидаги Карл Маркс маҳалласида ўтган бу учрашувга журналнинг жуда кўп мухлислари тўпланишди. Учрашувда «Саодат» журналининг бўлим мудирлари Роза Сайфнева ва Дилбар Маҳмудова ўртоқлар редакциянинг шу кунлардаги фаолияти ва келажак режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Журналхонлардан Р. Усмонова, Р. Қобулова, С. Пўлатовалар «Саодат»да берилаётган материаллар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб, журналнинг янада қизиқарли бўлиши учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги фикрларини айтдилар.

УНУТИЛМАС КУНЛАР ҲИКОЯСИ

[Бошн 3-бетда].

Шундай қилиб, Қодир Алимов меҳнаткаш деҳқонлар билан биргалашиб, Муваққат ҳукумат ва бойларга қарши курашди, бойларнинг ерларини камбағал деҳқонларга ва батракларга бўлиб бериш ҳаракатида, аграр ҳаракатда актив қатнашди.

Қодир Алимов Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасини камбағал деҳқонлар билан бирликда зўр шодиёналик билан кутиб олди. Зангиота қишлоғида Совет ҳукуматини тузишга актив қатнашди. Тўлаган Хусанов, Карим Мирсандов, Ғани Тўраев, Назирхўжа Хонхўжаев, Жаҳонбек Исҳоқбеков, Нажим Абдуғафуров ва бошқалар қаторида қишлоқ Советига депутат бўлиб сайландн. Бойларнинг ерларини камбағалларга мандат қилиб бериш ишларида қатнашди. Қодир Алимов 1918 йилда камбағаллар ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Бойларга қарши курашда камбағал деҳқонларни уюштирди. Лекин бойлар ва буржуа миллатчилари ҳам жим турмадилар. Улар Фарғона, Самарқанд, Закаспий ва Семиречье областларида Совет ҳукуматига қарши оқгвардиячиларни, босмачиларни ва бошқа контрреволюционер кучларни уюштирдилар. Улар Совет ҳукуматига қарши чет эл империалистик давлатлари билан тил бириктирдилар. Империалистик давлатлар оқгвардиячиларни ва босмачиларни қуроллантирдилар, натижада Семиречье, Закаспий ва Фарғона фронтлари пайдо бўлди.

Коммунистик партия Улуғ Октябрь социалистик революциясини ғалабасини ва Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш учун халқнинг оқгвардиячиларга, босмачиларга ва чет эл ҳарбий интервенциясига қарши курашга чақирди.

Қодир Алимов ҳам ихтиёрий суратда Қизил Армияга ёзилиб, босмачиларга қарши курашиш учун Фарғона фронтига жўнаб кетди. Бу ҳақда у шундай дейди:

«Босмачиларга қарши курашиш учун партия мени Чиноз район ҳарбий комиссариати орқали Қизил Армияга юборди. Бизнинг ҳарбий қисмимизда руслар, ўзбеклар, татарлар, қозоқлар, уйғурлар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Шу сабабли бизнинг батальонни интернационализм батальони деб аташарди. Бу батальон Қўқон шаҳрига юборилди. Қўқон қалъасига жойлашдик. Уша вақтларда Қўқонда Эргаш ва Тошмат қўрбошилар бош кўтарган эди. Эргаш қўрбошининг йигитлари қалъани олиш мақсадида, бир кун кечаси қалъа дарвозабонини ўлдириб, қалъага кирдилар. Лекин Қизил аскарлар билиб қолиб, оёққа турди, босмачилар билан жанг қилиб, Қўқондан Эргаш ва Тошмат қўрбошиларни ҳайдаб чиқарди. Қўқон Қизил Армия қўлида турди. Бизнинг ҳарбий қисмимиз Қўқон қалъасини мардларча ҳимоя қилди.

Босмачилар ва революция душманлари тугатилиши билан тинч қурилиш, халқ хўжалигини тиклаш ва халқнинг турмушини яхшилаш ишлари бошланиб кетди. Қодир Алимов халқ хўжалигини тиклаш, пахтачиликни ривожлантириш, ер ислоҳоти ўтказиш, хотин-қизларни паранжидан озод қилиш, бой-қулоқларга қарши курашда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ишларида актив қатнашди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида камбағаллар ташкилоти — «Қўшчи союзи»га раис, сўнгра сельпо раиси ва қишлоқ совети раисининг муовини бўлиб ишлади. Қодир Алимов «Қўшчи союзи» раиси бўлиб турган вақтларн ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Оғир вақт эди. Гражданлар уруши тамом бўлса-да, Фарғона областида тор-мор қилинган қўрбошиларнинг қўлга тушмаган йигитлари Тошкент атрофидаги қишлоқларга ҳам қочиб келган эдилар. Уларнинг баъзилари деҳқончилик қилсалар, баъзилари эса атрофларига шайка тўплаб, ўғирлик қилар эдилар. Эргаш Тошмат қўрбошиларнинг йигитлари Йўлчи босмачи Хўжахон билан бирликда шайка тузиб, Зангиота ва унинг атрофидаги деҳқонларга тинчлик бермади. Зангиота коммунистлари ва комсомолларининг актив қураши натижасида Йўлчи ва Хўжахон босмачиларининг шайкалари ҳам тугатилди. Бойларнинг ерлари камбағалларга бўлиб берилди. Ер олган деҳқонларга давлат йўли билан ёрдам уюштирилди, улар иш ҳайвонлари ва уруғлик билан таъминланди. Натижада деҳқончилик юришиб кетди.

1926—1927 йилларда хотин-қизларни паранжидан озод қилиш учун кураш бошланди.

Зангиота руҳонийлар, эшон-шайхлар макони эди. Коммунистлар ва комсомоллар мажлисларида хотин-қизларни паранжидан озод қилиш масалалари кўрилди. Бу ҳақда қарор қабул қилинди. Менинг хотиним — Бупачча биринчилар қаторн паранжи ташлади.

У партия сафига кирди, Хотин-қизлар магазинига мудирлик лавозимига тайинланди, кооперативчилар хотинимни Самарқандга, қишлоқ хўжалик кооперативчилари курултойига вакил қилиб юбордилар. Хотиним ҳомиладор эди. Курултойда ўғил туғди. Курултой ўғлимга Ширкат номини беришга қарор қилди».

Қодир ака диний урф-одатларнинг душмани. У синфий курашда чиниқди, ўсди. Отахон паранжига қарши кураш йиллари ҳақида ҳикоя қиларкан, шундай дейди:

Хотин-қизларни руҳонийлар таъсирида паранжига ўралиб юриш замони ўтиб кетди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси туфайли хотин-қизлар ҳам ўз ҳуқуқларини таниб олдилар. Уларни озодликка чиқариш осонликча бўлмади. Паранжига қарши ҳужум ҳам руҳонийларга ва эксплуататорларга қарши идеология кураши эди. Руҳоний ва эшонлар таъсиридаги баъзи камбағаллар хотин-қизларининг паранжи ташлашига қарши эдилар. Қишлоғимизда Адолат ва Ҳосиятхоннинг эрлари паранжи ташлагани учун руҳонийлар, шайхлар ва эшонлар таъзйиқи билан ёвузларча ўлдирилдилар».

Дарҳақиқат, хотин-қизларни паранжидан озод қилиш учун кураш эскиликка қарши, идеология соҳасидаги революцион кураш эди. Хотин-қизлар озодлиги социализм қуришда революцион аҳамиятга эга бўлди. Хотин-қизлар колхозларда, совхозларда ва завод-фабрикаларда катта куч бўлди. Эндиликда қишлоқдаги ўқитувчилар, врачлар, агрономлар ва бошқа соҳадаги мутахассисларнинг ярми хотин-қизлардир.

Қодир Алимов совет халқининг Герман фашизмига қарши Улуғ Ватан урушида актив қатнашди.

Инқилоб бўронларида пўлатдек тобланган бу куроний отахон ҳозир пенсионер, у ҳали бардам. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Шу кунларда у башариятнинг абадий бахт чирогини ёққан Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Совет ҳокимияти учун кураш йилларининг тарихий аҳамияти ҳақида колхозчиларга, комсомолларга бутун қишлоқ аҳолисига ҳикоя қилиб бермоқда. Унинг ҳаёти, революцион фаолияти ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни коммунизмнинг актив курувчилари қилиб етиштиришда намунадир.

ҒОЗИ ТУРАЕВ,
Тошкент Қишлоқ хўжалик институти КПСС тарихи кафедрасининг доценти, тарих фанлари кандидати, 1927 йилдан КПСС аъзоси.

ТЎЙҒУН ИСАМУҲАМЕДОВ,
«Узбекистон» нашрнётининг катта редактори.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

«Тошкент ҳақиқати»га янги йил учун обуна бўлар экансиз, газета 1968 йилда қандай мазмунда чиқади, бизнинг талабимизни қандай қондиради, деб ўйлайсиз, албатта. Редакция ҳам шу ҳақда ўйлайди. Ҳаммамизнинг мақсад ва фикримиз битта: «Тошкент ҳақиқати» юксак ғоявий, жанговар, қизиқарли, меҳнатда, ижодда ва ҳаётда энг яхши ёрдамчи ва маслаҳатчи бўлсин, дейміз.

Газетхонларнинг истакларини ўрганиш, газета мазмунини, унинг безатилишини янада яхшилаш мақсадида Сиз ҳурматли газетхонлар билан маслаҳатлашаётирмиз. Газета саҳифасида берилаётган ҳар бир хабар ва мақола ҳақида, унинг актуаллиги, ёзилиши, Сизни қанчалик қизиқтириши тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни, истак ва таклифларингизни билдиришингизни илтимос қиламиз.

Ички ва халқаро ҳаёт ҳақида, областимиз экономикаси ва маданияти тўғрисида нималарни ўқишни истайсиз, қандай темалар Сизни қизиқтиради? Шулар ҳақидаги истакларингизни ёзиб юборишингизни сўраймиз.

Хатларингизни кутамиз.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси, 18.00—Телеянгиликлар, 18.20—Кинофильмлар (болалар учун), 18.40—Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.

Ўзбек тилида: 18.50—Юбилей вахтасида (саноат ходимлари учун), 19.10 — Телеянгиликлар, 19.30—Ўзбек халқ классик куйлари, 20.10—КПСС Марказий Комитети тезислари—оммага, 20.30—Телевизион театр, А. Несин. Ҳаёт—аччиқ ҳақиқат, 21.50—Отишма (бадиий фильм, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси, 18.00—Мактабларда ҳозирги замон музикаси (ўқув эшиттиришлари программаси).

Ўзбек тилида: 18.30—Бизнинг севимли қаҳрамонларимиз (мактаб ўқувчилари учун), 19.00—Спортчилар—студиямиз меҳмони (рус тилида).

19.45 дан МОСКВА КУРСАТАДИ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан—ОЛМАОТА КУРСАТАДИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—21/IX да Ўғил уйлантириш, 22/IX да Ёшлинда берган нўнгил.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—21/IX да Сарвқомат дилбарим, 22/IX да Алжонларим.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас қутқармоқда—САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «УЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Фантомас қутқармоқда — «ФЕСТИВАЛЬ», НАВОИЙ номли.

Денгиз киноларн—«ХИВА».

Хотин-қизларнинг оила бир чиқадиган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

„Саодат“

ЖУРНАЛИГА ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна баҳоси:
Бир йилга 2 сўм 40 тийин,
Олти ойга 1 сўм 20 тийин,
Бир сони 20 тийин.

Обуна чекланмаган — ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«САОДАТ» журналига обуна бўлишни унутманг!

ТОШКЕНТ ШАҲАР 9-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

15—25 ёшдаги 8—10 синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган ёшлар бир йиллик ва уч йиллик ўқишга қабул қилинадилар.

Билим юрти линотипчилар, ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар тайёрлайди.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй, кадрлар бўлими ёки Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21 уй.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

абонентларга таклиф қиладики, электрдан фойдаланганлик учун

ҳар ойнинг 1-кунидан 11-кунигача

СЧЁТ ЁЗИБ

тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига топширсинлар.

Ўтган вақт учун қарзлари бўлган абонентлар

ДАРҲОЛ ТЎЛАШЛАРИ ЛОЗИМ

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр оғоқ қилмасдан узиб қўйилади.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

секретарь-стенографистка КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13 уй, 2 қават, кадрлар бўлими.

«Союзтелефонстрой» трестининг

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкентда ва бошқа жойларда ишлаш учун:

алоқа монтёрлари, кабельловчилар, сим линияларини ўтказувчилар, машинистлар, автокранчилар, экскаваторчилар, ҳамда

Тошкентда ишлаш учун:

бухгалтер, секретарь-машинистка, 4-5 разрядли автослесарлар, ер қазувчилар, юк машина шоферлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 8 уй. Телефон № Б-8-16-16.

Гараж адреси: Куйбишев шоссеси, 15 уй.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Америка авиацияси Хайфон шаҳрининг аҳоли энч яшайдиган районларига ҳужум қилган вақтда Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари Американинг беш самолётини уриб туширдилар. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА АМЕРИКА АВИАЦИЯСИНИНГ ТАЛАФОТИ

ХАНОЙ, (ТАСС) Вьетнам информацня агентлиги хабар беради: Озодлик агентлигининг маълумотларига асосланиб Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 1966 йил февраль ойидан тортиб 1967 йил июль ойигача Никьтхуан вилоятида Американинг 150 самолётини милтиқлардан отиб уриб туширганлар.

Уриб туширилган самолётлар орасида 20 та реактив қирувчи самолёт, «В-57» типидаги 5 та бомбардимончи самолёт ва 30 та разведкачи самолёт бор. Ватанпарварлар шу йилнинг июль ойида бу вилоятда Американинг 42 самолётини уриб туширдилар. Бундан 31 самолётни вилоятдаги партизанлар уриб туширганлар.

СУДАН ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ПАРИЖ. Судан савдо министри Аҳмад Ассанд Ҳаммад бундай деди: Судан ҳукумати Америка машина-ускуналари ва товарларининг мамлакатга келтирилишини тақиқлади. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Суданнинг Яқин Шарқдаги сиёсатини ўзгартиришга уринаётган АҚШнинг иқтисодий соҳадаги дўқига жавобан ана шу чора кўрилган. (ТАСС).

БРАТИСЛАВАДАГИ УЧРАШУВ

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам информацня агентлиги хабар беради:

6 сентябрдан 12 сентябргача Чехословакиянинг Братислава шаҳрида Вьетнамнинг икки зонаси — Шимолий ва Жанубий зонасидаги халқ ташкилотлари вакиллари ва АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив урушига қарши ҳаракатда қатнашувчи кўплгина американликлар ўртасида учрашув бўлди.

Вьетнам вакиллари бу учрашувда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив уруши тўғрисида, АҚШ империалистларини и нг Вьетнам халқига қарши қилаётган жиноятлари ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Улар Вьетнам халқининг ҳамма соҳаларда — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришган катта ғалабалари тўғрисида ҳам гапирдилар.

Вьетнамнинг ҳар иккала делегацияси Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматини и нг тўрт моддада баён қилинган позициясини ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг позициясини равшан ва тўла тушунтириб берди. Улар Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг сиёсий программаси катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.


Шу учрашувда ҳозир бўлган америкаликлар турли оммавий ташкилотларга мансуб бўлиб, АҚШнинг турли районларидан бу ерга келишган. Улар АҚШда Америка халқининг урушга қарши кенгайиб бораётган ҳаракатининг тенденцияси ва активлигини конкерт мисоллар билан кўрсатиб бериш имкониятига эга бўлдилар.

СОВЕТ АРТИСТЛАРИ СУРИЯДА

ДАМАШҚ. Дамашқдаги XIV Халқаро ярмарка территориясида жойлашган ёзлик театр биносида бир неча кечадан буён «Баракалла, баракалла, баракалла» деган сўзлар узоқ жойларга эшитилиб турибди. Сурия пойтахтининг театр залига тўпланган аҳоли ва чет эллик меҳмонлар гастроль бериш учун Сурия Араб Республикасига келган совет артистларининг концертларидан мамнун эканликларини ана шу сўзлар билан изҳор қилмоқдалар.

Сурия матбуоти, Дамашқ радиоси ва телевидениесининг шарҳчилари совет артистларининг юксак ижрочилик маҳоратини, талантини, саҳна маданиятини яқдиллик билан таъкидламоқдалар.

Совет концерт бригадаси Дамашқда гастролларни тамомлаганидан кейин Латакия ва Халаб шаҳарларига жўнайди. (ТАСС).



ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Зенитчилар ракетани жангга ҳозирламоқдалар. ВИА—ТАСС фотоси.

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛАГОС. (ТАСС). Нигериянинг шарқий области территориясидаги Нсукка шаҳри атрофида шиддатли жанглар яна бошланганлиги бу ерда эълон қилинди. Лагосдан олинган маълумотларга қараганда, Нигерия федерал ҳукуматининг қўшинлари Нсукка шаҳридан жанубий томонда ҳужумни тиклаб, шарқий область пойтахти Энугуга силжиб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда федерал қўшинлар Нсуккадан жанубий томонда жойлашган Аку шаҳри атрофидаги ўз позицияларини мустаҳкамламоқдалар ва Уҳехе шаҳрини ишғол этиш учун жанг қилмоқдалар.

Федерал армиянинг мамлакат ўрта-ғарбий области территориясида ҳаракат қилаётган қисмлари Эхор шаҳрини ишғол қилиб, Убиажа шаҳрига ҳужум қилиш учун тайёрланмоқдалар. Эхор шаҳри тош йўллар чорраҳасида стратегик жиҳатдан муҳим роль ўйнайди.

МАҲМУД РИАД: ИСРОИЛ КАНАЛДА КЕМАЛАР ҚАТНОВИНИНГ ТИКЛАНИШИГА ТУСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси ташқи ишлар министри Маҳмуд Риад Миср телевидениеси орқали қуйидагиларни айтди: «Исроил агрессияси Сувайш каналининг ёпилишига асосий сабаб бўлди. Бу агрессиянинг оқибатларини тугатиш ва Исроил қўшинларини босиб олинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетиш каналнинг очилишини тезлаштиради ва кемаларнинг бемалол қатнаб туриши ҳамда нормал халқаро савдо-сотиқни тиклашга ёрдам беради».

Маҳмуд Риад яқинда Москва ва Белградда олиб борган музокараларининг натижаларига тўхталиб қуйидагиларни таъкидлади. Бу музокаралар Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш масалаларига бағишланди. Сўнгра Риад бундай деди: «Сувайш каналини яна очишдан манфаатдор эканлигимизга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Аммо, Исроил агрессияси каналдан фойдаланишнинг нормал шарт-шароитларини тиклашга халақит бермоқда».

ОҚ ТАНЛИК СОТҚИНЛАРГА УЛЬТИМАТУМ

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Конго (Киншаса) президенти Мобуту оқ танлик сотқинлардан мамлакат территориясидан қисқа вақт ичида чиқиб кетишни талаб қилди. Мобуту Ко матбуот агентлиги билан қилган суҳбатида бундай деди: халқаро Қизил Крест вакиллари Букавуда жойлашиб олган оқ танлик сотқинларни Конго территориясидан эвакуация қилиш тўғрисида музокаралар олиб бориш мақсадида улар билан алоқа боғлайдилар. Оқ танлик сотқинлар музокаралар бошланган пайтдан, 3 кун ўтгач Конго территориясидан чиқиб кетишга улгурмаганлари тақдирида, деди Мобуту, уларга қарши қурол ишлатишдан бошқа чорамиз қолмайди.

МЕКСИКАДА ДОВУЛ


МЕХИКО, (ТАСС). Мексика Жанубидаги Юкатан ярим оролида бўлиб ўтган «Бюла» деб аталган қаттиқ довул натижасида бир қанча киши ўлди ва кўп жойлар вайрон бўлди. Соатига 180 километр тезлик билан эсган шамол минглаб иморатларни вайрон қилди, бир қанча одамлар ҳалок бўлди, сел ёққанлиги натижасида пастлик районларни сув босди. Вальядолид, Тисимин, Прогресс деган манзилгоҳлар, Косумель ва Мухерес ороллари айниқса кўп шикастланди.

Республика президентининг фармойишига биноан, махсус самолётларда шикастланган кишиларга зарур ёрдам юборишга киришилди.

«Бюла» довули Юкатан ярим оролини кесиб ўтди ва Мексика корфази орқали Америка қитъаси томон, Тамаулипас штати районига (Мексика) йўл олди.

СУДАН АҲОЛИСИ

ХАРТУМ, (ТАСС). Статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Суданда 1967 йил июль ойигача 14.737.000 киши яшаган. 1956 йилда Суданда 10.365.000 киши бор эди.



Грецияда давлат тепасига келган офицерлар хунтаси мамлакатда ҳарбий-фашист режимини ўрнатдилар. Улар фашист режимига қарши чиқаётганлардан аёвсиз ўч олаяптилар. Маданият ва фаннинг илғор арбоблари қувғин ва репрессия остига олинмоқда. Ҳозир минглаб грек ватанпарварлари қамоқ лагерларида ётибди. Ана шундай даҳшатли қамоқ лагерларидан бири — Эгей денгизидаги Юра оролларидир.» Суратда: Юра оролидаги қамоқда.

Камера—Пресс—ТАСС фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01244.
Индекс — 64697.
А. 1750.